

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил июль ойининг 9 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди, Фарғона шаҳар “Гулзор” МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи, шаҳар судининг судьяси Р.Алияров, судья ёрдамчиси С.Қодировнинг котиблигида, Фарғона шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Отажонов, судланувчи ХХХХХХ, жабрланувчи А.Икромов ва унинг қонуний вакили Х.Исахановнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисми билан айбланган

ХХХХ ХХХХ ХХХХ, [REDACTED]
[REDACTED] туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, [REDACTED]
[REDACTED], муқаддам судланмаган, [REDACTED], рақамсиз уйда яшовчи, “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилҳат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 29 июнь куни олганга

нисбатан 1-1501-2406/1432-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

ХХХХ ХХХХ ХХХХ, 2024 йил 14 июнь куни ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Учкўприк туманида жойлашган автотураргоҳга келиб, бу ерда Учкўприк-Фарғона йўналишида катновчи “JAC” русумли автомашинага чиқиб, ушбу машинада Фарғона шаҳрига кириб келган вақтда, машинадан тушишидан олдин, ўзидан олдинги ўриндикда кетаётган фуқаро Икромов Азизбек Илхомжон ўғлининг бошқа ўриндикқа ўтиб, ухлаб қолганлигидан фойдаланиб, ўриндик остида қаровсиз қолдирилган, сумка ичидаги нархи 10.243.000 сўмлик “Asus Vivo book” русумли ноутбук, зарядлаш қурилмаси ва сичқончани яширин равишда талон-торож қилиб, ҳодиса жойидан яширинган.

Олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида фуқаро ХХХХХХдан “Asus Vivo book” русумли ноутбук, зарядлаш қурилмаси ва сичқонча ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Жабрланувчи А.Икромов қонуний вакили Х.Исахановнинг иштирокида дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда унга етказилган зарар тўлиқ қопланганини, судланувчи ХХХХХХга нисбатан моддий даъвоси йўқлигини, уни кечирганини, ярашув ҳақидаги аризани ўз ихтиёри билан ёзиб тақдим қилганини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб



чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганини баён этиб, С.Исмамовга нисбатан юритилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Судланувчи XXXXXX дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда жабрланувчи А.Икромовга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганини, жабрланувчи уни кечирганини, у билан ўзаро ярашиб олганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, айбига тўлиқ иқрорлигини баён этиб, жабрланувчи билан ярашиб олгани сабабли жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд судланувчи XXXXXX ва жабрланувчи А.Икромовларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, прокурорнинг жиноят ишини томонларнинг ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчини айбига тўлиқ иқрорлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ ўтказилмаганини, ярашув уларнинг хоҳишлари билан бўлганини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашув доирасига тушишини инobatга олиб, XXXXXXга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи А.Икромовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Шунингдек, ашёвий далил деб эътироф этилган нархи 10.243.000 сўмлик “Asus Vivo book” русумли ноутбук, зарядлаш қурилмаси ва сичқонча қонуний эгаси А.Икромовга тилхат асосида қайтарилгани инobatга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисми билан судланувчи XXXX XXXX XXXXга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми тартибида тугатилсин.



XXXXXXга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи А.Икромов ва унинг қонуний вакили Х.Исахановларга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган нархи 10.243.000 сўмлик “Asus Vivo book” русумли ноутбук, зарядлаш қурилмаси ва сичқонча қонуний эгаси А.Икромовга тилхат асосида қайтарилгани инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят беришга, прокурор эса хусусий протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Р.Алияров

